



A COMBINATION OF IMAGE AND IMAGINATION IN THE LANDSCAPE GENRE

Ulugbek Nigmatov

associate professor

National Institute of Painting and Design named after Kamoliddin Behzod

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: image, genre, creation, imagination, nature, landscape, plein air, artist.

Received: 22.11.22

Accepted: 24.12.22

Published: 26.12.22

Abstract: In this article, one of the lyrical types of visual art is the expression of the artist's emotions, thoughts, and dreams through real or imaginary nature scenes in the landscape genre. This genre depicts natural landscapes, architectural structures, mountain landscapes, and sea waves that are changing due to human activity.

МАНЗАРА ЖАНРИДА ТАСВИР ВА ТАСАВВУР УЙҒУНЛИГИ

Улугбек Нигматов

доцент

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: тасвир, жанр, ижод, тасаввур, табиат, манзара, пленэр, рассом.

Аннотация: Мазкур мақолада тасвирий санъатнинг лирик турларидан бири манзара жанрида реал ёки ҳаёлий табиат кўринишлари орқали рассомнинг ҳистуйғулари, ўй ҳаёллари, орзу-истаклари ўзифодасини топган. Бу жанрда инсон фаолияти билан ўзгариб бораётган табиат манзаралари, меъморий қурилмалар, тоғ манзаралари, денгиз тўлқинлари тасвирланган.

СОЧЕТАНИЕ ОБРАЗА И ВОООБРАЖЕНИЯ В ПЕЙЗАЖНОМ ЖАНРЕ

Улугбек Нигматов

Доцент

Национальный институт живописи и дизайна имени Камолиддина Бехзода

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: образ, жанр, творчество, воображение, природа, пейзаж, пленэр, художник.

Аннотация: В данной статье одним из лирических видов изобразительного искусства является выражение эмоций, мыслей и мечтаний художника через реальные или воображаемые сцены природы в пейзажном жанре. В этом жанре изображаются природные ландшафты, архитектурные сооружения, горные ландшафты и морские волны, меняющиеся в результате деятельности человека.

КИРИШ

Табиат кўринишлари мавзули композициялар мазмунини тўлдирувчи восита сифатида ҳам иштирок этиб рангтасвир ва графика асарларида, ҳайкалтарошликнинг бўртма кўринишларида кенг ишлатилади. Табиат манзараларининг акси қадимдан рассомларнинг диққатини ўзига жалб этиб келган. Турли маиший, тарихий ва батал жанрида ишланган расмларда табиат кўринишлари ва унинг унсурлари кенг учрайди.

Табиат гўзаллигини, борлиқнинг аксини тасвирлаш эса манзара жанрига хосдир. Унга мурожат қилмаган рассом деярли учрамайди. Чунки ҳаётни севган инсон табиат фарзанди эканлигини доимо қалбан ҳис этиб туради. Атроф-муҳит гўзаллигидан баҳра олади. Рассом эътиборини тортган табиат кўриниши, манзара асарига айлантириш учун уни бадий тафаккур этиши, онгида асар ҳолида яратиш ва матода акс эттириши зарур.

АСОСИЙ ҚИСМ

Манзара жанридаги асарларнинг айримлари бевосита табиат манзарасини ҳақиқий кўринишини тасвирласа, бошқалари ижодий тарзда ҳаёлан ифодаланган бўлади. Баъзан бу икки ҳол бир асарда бўлишлиги ҳам мумкин. Манзара жанрини пайдо бўлиши жуда узоқларга бориб тақалади. Масалан, эрамиздан аввалги аср Бени-Хасандаги қабр тасвирида ёввойи мушик ови тасвирланган. Бу жанр эса мустақил равишда Хитойда 6-асрда пайдо бўлган. Европа санъатида эса Ўйғониш даврида илмий асосда яъни чизиқли ва ҳаво (ранг) перспективаси асосида шаклланган.

Манзара мустақил жанр сифатида ҳаётга кенг кўламда кириб келди.

Манзара жанрининг янги босқичи XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Табиат кўринишларини ҳаққоний тасвирлашга нур-ҳаво тўла асарлар яратишга ҳаракат қилиш француз рассомлари ижодида сезиларли ўринни эгаллади. XIX аср ўрталаридан бошлаб очик кенгликда (пленерда) расм ишлаш одат тусига кира борди. Бу хусусда Буюк Британияда Ж.Констебл, Россияда А.Иванов каби рассомлар фаоллик кўрсатдилар. Аста Францияда барбизон мактаби вакиллари, шунингдек К.Коро шу масала билан жиддий

шуғулланиб унинг ривожига ўз хиссаларини қўшдилар.

Манзара жанрининг кўринишларидан бири бу интерьер ҳисобланади. У биноларнинг ички қисм кўринишларини ифодалайди. Бу жанр қадимги Миср, Хитой рассомчилигида учрайди. Улар ўз ишларида ақл бовар қилмайдиган даражада аниқлик билан перспектива қонунлари асосида интерьерни тасвирлай олганлар. Бу жанрда ижод қилиб Жотто, А.Веррокко, Леонардо до Винчи, Рембрантлар шухрат қозонганлар.

Манзара жанрида денгиз кўринишлари ва ундаги ходисалар ҳам тасвирланади. Ушбу жанрнинг шаклланишида И.Айвазовскийнинг хизматлари катта бўлган. У ўзининг умрини фақат денгиз кўринишларини тасвирлашга бағишлади. Унинг “Тўққизинчи вал”, “Чесмен жанги”, “қора денгиз”, “Тўлқинлар орасида” каби асарлари жаҳон тасвирий санъатида муносиб ўринни эгаллади.

Рассомлар ижодида манзара жанри оддий табиат кўринишининг аксидан инсон қалби тўлқинларини ифода этиш воситасига айланди. Рассомлар манзараларида аста-секин конкрет инсон образи индивидуал характер ифодаси эмас, балки табиатнинг ажралмас бир қисми сифатида идрок қила бошланди. Очiq ҳавода расм чизишнинг бадиий-эстетик кўркидан ҳайратланиш тобора кучайиб борди ва турли мавсумий макондаги кўринишлар сонияси асосий бадиий образ саналади.

Очiq ҳавода расм чизишнинг ҳақиқий ривожига XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб айна шу даврдан бошлаб, пленэр ибораси ҳаётга кириб келди, муомалада қўлланилиб, француз импрессионист рассомлари К.Моне, К.Писсаро, О.Ренуар ижодига нисбатан ишлатила бошланди. XIX аср охири XX аср бошларида пленэр рангтасвири Европа, Осиё, Америка рассомлари ижодида ўз ифодасини топди.

Тасаввур орқали рассом тарихан шаклланган ёки замонавий тасвир мактаби ва йўналишларига нибатан бадиий образ оламига жуда кўп янгиликлар олиб киради. Шаҳар кўринишларининг реалистик тасвири бўйича уларнинг оригиналлиги кўзга яққол ташланди, табиат лавҳаларидаги ҳамоханг тарзда тасвирлай олдилар, шаҳар ҳаётининг камалак сингари товланиши, одамлар, бинолар, муҳит, ҳаво ҳамда дарахтларнинг рангин ритми турли вазиятлар билан уйғунлашиб ҳаракат симфониясини ташкил этади. Улар бўёқларнинг тоза ўз кучини сақлаб қолган ҳолда ёнма-ён қўйиш орқали нур товланишига эришишни мақсад қилиб қўйдилар. Тасвирланаётган ҳамма нарсаларда кўёш нурларига қўмилган вазиятни ифодалашга ўтдилар.

Томошабинлар шаҳар ритми ва ҳаводаги намгарчилик, осмон қаъридаги булутларнинг безовта ҳаракатларидан ҳайратга тушдилар. Бу рассомлар бирор кун ёки бирор манзаранинг турли вақтларга хос "нафас" олишини кузатадиган ва шунга мос

келувчи кечинмаларни матога муҳрайдилар. Рассом полотносида воқеликнинг моддийлигидан кўра ундан олинган кечинмалар асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонга бу рангтасвир XIX аср охириларида кириб келди. Л.Бурэ, И.Казаков, О.Татевосян, А.Исупов, кейинроқ П.Беньков ва унинг шогирдлари (Р.Тимуров, А.Розиқов ва б.) ижодида ривожланди. Манзара рассомлиги шу даврнинг ғоявий пластик изланишлари билан узвий боғлиқ. Турли оқим ва йўналишлар манзара жанрида ҳам ўз ифодасини топди. Ўзбекистонда манзара жанри ҳам узок тарихга эга бўлса ҳам лекин унинг кенг кўламда ривожланиши XX-асрнинг ўрталаридан бошланди. Ўрол Тансиқбоев, Рашид Тимуров, Николай Корохон, Нёмат Қўзибоев кейинроқ Анвар Мирсоатов, Абдуманноп Юнусов ва бошқалар ижоди шу жанрнинг турли кўриниш ва йўналишларини намоён этади.

Манзара жанрининг моҳир устаси Ўрол Тансиқбоев бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятини Ўзбекистон табиатини тасвирлашга бағишлаган. Ўрол Тансиқбоев серкуёш ўлкамиз табиатини санъаткорона тасвирлаш орқали тасвирий санъат ривожига улкан ҳисса қўшган буюк рассомдир. Ўрол Тансиқбоев ўзининг манзара асарларида табиатимизга хос ранглар мажмуасини ёрқин ифодалаган. Айниқса, унинг “Баҳор” (1947) асарида турфа хил бўёқларга бурканган табиат манзараси санъаткорона маҳорат билан кўрсатиб берилган. Унинг манзараларида кенгликлар бағри жуда усталик билан тасвирланиб, бу бўшлиқдаги нозик ва нафис сирлар ўта маҳорат билан акс эттирилган. Рассом асарлари кенгликларни кўрсатиш ва улардаги ранглар аниқ ифодаланиши ва бу ранглар бир-бирига мутаносиб тушиши билан эътиборни тортади.

Манзара жанри усталари ўз асарларида қадрдон ўлканинг умумлаштирилган образини яратар эканлар, уларда табиатни ўз истагича ўзгартирувчи ижодкор инсон фаолиятини гавдалаштиришган. У.Тансиқбоевнинг манзара жанридаги полотноларида табиатнинг гўзаллиги ва улуғворлиги чизиб берилган. Рассом ўлканинг мафтункор манзараларини мураккаб планли композиция, нафис ва ранг-баранг бўёқлар гаммаси ва баъзан декоратив қарама-қаршиликлар воситасида чизган. Унинг лирик манзаралари ва эпик полотноларида она-юрт гўзаллиги жўшқин туйғулар билан қуйланган. Санъаткор тоғлар бағридаги, гуллаган водийлар, бепоён чўллар ва сокин сув омборларини меҳр билан тасвирлаган.

Ўзбекистон рассомларининг бу даврга оид энг яхши асарлари ўзига хос услуби, ифодали образлари, юксак профессионал маҳорат билан ишлангани каби жиҳатларига кўра диққатни жалб этади. Бу асарлар услуби ва мавзуси жиҳатдан бир-бирига ўхшамаса ҳам, ғояси умумийлиги, замонавий воқеликни таъсирчан акс эттириши, ўзбек

кишиларининг ички дунёси, меҳнатга муносабати ва ҳаёт тарзини аниқ тасвирлаши билан ўзаро ҳамоҳангдир.

Ҳар қандай мусаввир манзара жанрида ишлар экан, ўз тасаввури ва ҳаётдаги кўриниш орқали жамият ҳаётига доир муҳим воқеа ва ҳодисаларни акс эттириб, илгари сурмоқчи бўлган гоёни аниқ тасаввур қилишга интилади. Шунингдек, манзарада тасвирланадиган нарсалар орасидаги масофа, ўлчам нисбатлари ва рангларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари ҳам кўрсатилади.

Манзара жанри бирмунча мураккаб бўлсада, рассом уни ҳаёлий тасаввурлар орқали ҳам ифодалай олади. Бунда у нарсаларнинг характерли белгилари, бўлакларнинг нисбати, йўналишнинг тўғри тасвирлашга ҳаракат қилади. Рассом тасвир яратишда бирор-бир дарахтни осмондаги булутлар билан биргаликда чизишни, сув бўйи ёки кўл ёқаси, кўприк усти ва табиатни юқоридан кўринишларини тасаввур қилиб, ҳаёлида кечаётган композицион манзарани матога муҳрлашга интилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, табиат ижодкорга кўп нарса ўргатади ва бу теваарак атрофдаги нарсаларнинг моҳиятини очиқ беради. Шундай экан, бугунги кун рассоми кўпроқ табиат қўйнида асар яратиши лозим. Шунда барчанинг қалбини ҳаяжонга соладиган санъат намуналарини яратиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Н.Ойдинов. Тасвирий санъат тарихи. “Ижод”. Т., 2007.
2. Н.Ойдинов. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. “Ўқитувчи”. Т., 1997.